

# **КИБЕРХАВФСИЗЛИК - ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНДИ**



Қонунда мамлакатда киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсати президент томонидан белгиланиши назарда тутилган. Киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб Давлат хавфсизлик хизмати тайинланган.

Қонун давлат ташкилотларининг киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, ускуналар ва технологиялардаги заифликлар түғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларига тегишли маълумотларнинг сақланишини таъминлаш маълумотларнинг захира нусхаларини яратиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган. Қонунга мувофиқ, уларнинг сақланиш муддати охирги З ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Қонунда ахборот тизимларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби белгиланган. Экспертиза ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади. Хусусан, экспертиза мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига кўра амалга оширилиши мумкин. Қонунга кўра, давлат органларининг ахборот ресурслари, давлат органларининг ахборот тизимлари, муҳим ахборот инфратузилмаси обьектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим.

Шунингдек, киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

Қонунга мувофиқ, ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган заифлик, кибертаҳдид, киберхужумлар ва бошқа бузғунчилик ҳаракатлари түғрисидаги, шунингдек, ахборотлаштириш обьектлари юзасидан ахборот уларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилганидан кейин киберхавфсизлик субъектининг рухсати билан ошкор қилиниши мумкин.

З.Э.Мавлонов

Сурхондарё вилоят суди судьяси